



ЎРТА ОСИЁДАГИ ЯХУДИЙЛАРДА ИҚТИСОДИЙ ОНГ

Худойқулов Азамат Бешимович

Иқтисодиёт ва педагогика университети
Тарих ва ижтимоий фанлар кафедраси доцент в.б.

E-mail: azamatxudoyqulov @ gmail.com T

ел.: +998 (91)-562-77-15

Саидов Шомаҳмуд Азамат ўғли

Турон университети Педагогика ва
психология кафедраси 1-босқич магистрант

E-mail: shomahmudsaidov @ gmail.com

Тел.: +998 (99)-075-77-15

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20606579>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 04-iyun 2026 yil

Ma'qullandi: 06-iyun 2026 yil

Nashr qilindi: 09-iyun 2026 yil

KEYWORDS

Ўрта Осиё яхудийлари,
иқтисодий онг, меҳнат,
савдо-сотиқ, тадбиркорлик,
хунармандчилик, диний
қадриятлар, Бухоро
яхудийлари.

ABSTRACT

Мазкур мақолада Ўрта Осиё яхудийларининг иқтисодий онги, унинг шаклланиш омиллари, меҳнатга муносабат, савдо-сотиқ, хунармандчилик ва тадбиркорлик анъаналари таҳлил қилинган. Шунингдек, диний қадриятларнинг иқтисодий фаолиятга таъсири ва жамият тараққиётидаги аҳамияти ёритилган. Тадқиқот тарихий, қиёсий ва таҳлилий методлар асосида амалга оширилди.

Маълумки, яхудийлар Ўрта Осиёга қадим замонлардан кўчиб келганлар. Уларнинг бу келишлари ҳақида турли хил ривоятлар мавжуд. Уларнинг ичида умумэтироф этилганларидан бири шуки, яхудийлар бу минтақага Эрон орқали кириб келганлар. Бу халқнинг Ўрта Осиёга ҳижрати кўп асрлар мобайнида давом этди. Тахминларга кўра, улар Ассирия қувғинлари пайтида – мил. ав. VII – VI асрларда Эронга кўчиб кела бошлаганлар. Ҳатто мил. ав. VIII асрларда баъзи яхудийлар Исроилни тарк этиб, Миср, Эрон каби ўлкаларда бошпана топганликлари ҳақида ҳам хабарлар бор. Форс давлати маълум муддат Ўрта Осиёни ўз ҳукми остида тутиб турган ва худди шу даврда яхудийларнинг кўчиб келиши амалга ошган. Яхудийлар Ўрта Осиёда Суғдиёна давлати даврида, яъни милоднинг II асрида пайдо бўлдилар. Улар Эрон орқали Марвга келиб, сўнг у ердан Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарларга тарқалдилар. Бу фикрни маҳаллий яхудийларнинг форс лаҳжаларининг бирида гаплашишлари ҳам қувватлайди.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Яхудийлик ва иқтисодиёт муносабатлари кўплаб олимлар томонидан тадқиқ этилган. Мах Weder дин ва иқтисодий фаолият ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилар экан, яхудий ахлоқий қадриятларининг иқтисодий муносабатларга таъсирини таъкидлайди [1, 35-бет]. Werner Sombart ўз тадқиқотларида яхудийларнинг савдо ва молиявий муносабатлардаги ўрнини таҳлил қилган [2, 58-бет]. Испаниялик яхудий саёҳатчиси Бениамин де Туделнинг маълумотига кўра, 1165 йилда Самарқандда 30 мингга яқин яхудийлар яшаган. Маълумки, бу сайёҳ шарқда Бағдодгача сафар қилиб, Самарқандда бўлган эмас. Бу рақам маҳаллий Бағдод

яхудийларининг афсонавий маълумотларига асосланган ҳолда келтирилган бўлса, ажаб эмас.

Яхудийларнинг турмуш тарзлари, урф-одатлари қадимий яхудий, форс ва маҳаллий маданиятларнинг қоришмасидан иборат. Тарихнинг турли жараёнларида бу уч маданиятдан баъзиларининг таъсири кучайиши ёки аксинча, сусайиши кузатилган. XVIII асрнинг бошларида Ўрта Осиёда юз берган сиёсий жараёнлар туфайли яхудийлар Эрон, Афғонистон, Хива, Қўқон ва Бухоро жамоаларига бўлиниб кетди. Яхудийларнинг асосий қисми Бухоро шаҳри ва унинг атрофларида яшаганлиги туфайли Ўрта Осиё яхудийлари «Бухоро яхудийлари» номи билан танилдилар.

Яхудийлик ягона миллатга хос дин бўлганлиги сабабли улар қаерда бўлмасин, бири иккинчисидан қанча узоқ бўлмасин, муқаддас китоби ва эътиқоди ягона бўлиб қолаверди. XVIII асрда Ўрта Осиё яхудийлари тушкунлик даврини бошдан кечирдилар. 1793 йили асли Ғарбий Африкадан бўлиб, Фаластиннинг Цфат шаҳрида яшовчи Иосиф Мамон Мағрибий ўз шаҳри яхудийлари учун моддий ёрдам тўплаш мақсадида Бухорога келади. У маҳаллий яхудийларнинг ўз динларидан узоқлаша бошлаганликларини кўриб, шу ерда қолишга ва миллатдошларига диний таълим беришга аҳд қилади. Яхудийлар доимо тинч, кам аҳолили жойларда яшашни афзал кўрганлар. Гарчанд ўрта осиелик яхудийлар Бухоро яхудийлари дейилса-да, улар кўпроқ Самарқандда яшаганлар. XVIII асрнинг ўрталарида Нодиршоҳ (1736-1747) Самарқандни босиб олганда унинг лашкарлари орасида турклар, лезгинлар, афғонлар, иронийлар, шунингдек, яхудийлар бўлганлар. Улар Самарқанднинг Шоҳ-Каш, Чор-Рага, Новадон, Қўшҳовуз каби гузарларида яшаб қолганлар. Бухоро ҳукумати Нодиршоҳ даврида яхудийларга нисбатан юмшоқ муомалада бўлган.

Сон жиҳатдан кўпайган яхудийлар бир мавзегга жам бўлиб яшашни хоҳлардилар. Бироқ Бухорода ҳам, Шаҳрисабз, Каттақўрғон, Кармана каби вилоятларида ҳам яхудийлар мусулмонлардан ажралган ҳолда яшар эдилар. 1843 йилнинг баҳорида маҳаллий яхудийларга Самарқанднинг шарқий қисмидан 2,5 гектар жойни 10 минг кумуш тангага сотиш ҳақидаги шартнома тузилди. Бу шартномани яхудийлардан 32 киши имзолади, давлат унинг ҳақиқийлигини тўрт муҳр билан тасдиқлади. Шундай қилиб, яхудийлар ўзларининг биринчи маҳаллаларига эга бўлдилар.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг яхудийларнинг миллий, диний эркинликларига йўл очиб берилди. Ҳозирда Тошкент, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида бухоролик ҳамда ашкенази (европалик) яхудийларининг миллий маданий марказлари, шунингдек, синагогалари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Яхудий жамоалари мамлакатнинг учта маъмурий ҳудудида ўзининг ибодатхоналарига эга бўлиб, жами саккизта синагога рўйхатдан ўтган.

Бухоро Яхудийлари йўлида ислом динини қабул қилганлар ҳам бўлиб, бундайлар чала деб юритилган. Исломни қабул қилган Яхудийлар мусулмонлар орасида яшаганлар. Бироқ кўп ҳолларда уларнинг ески урф-одатларини яширинча сақлаб қолганлар. Бухорода Ешони Пир мавзеида 100 тача, Чор карвонсарой мавзеида еса бир нечта мана шунақа чала Яхудий оилаларини яшаган. Уларнинг асосий машғулоти ҳунармандчилик, пахта савдоси бўлган. Жамоа оқсоқоли калонтар деб атаб, у ўз қавмидан солиқ ва ўлпонлар йиғган. У жамоанинг расмий воқили ҳисобланган.

1991 йилда Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг барча динларга, шу жумладанга, Яхудий динга еркин еътироз қилиш учун барча шаройитлар яратилган. Ҳозир Тошкент, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида Бухоро ҳамда Европа ёхуд Миллий маданий марказлари, Шунингдек синагогалари фаолликни намоеън этиб турди.

Ҳозир республика Жомий 8та Яхудий жамоаси, жумладан, Тошкент шаҳри (3), Бухоро (2), Самарқанд (2) ва Фарғона вилоятларида (1) фаолият кўрсатиб келмоқда. Улардан бири (Тошкент ш.) Европа Яхудийлари (ашкиназлар) йўналишига, қолганлари сефардлар (Шарқий Яхудийлар)га мансуб.

Хулоса ва таклифлар. Ўрта Осиё яхудийларининг иқтисодий онги меҳнатсеварлик, тадбиркорлик, ҳалоллик ва жамоавий масъулият каби қадриятлар асосида шаклланган. Бу қадриятлар уларнинг иқтисодий муваффақияти ва жамият тараққиётига ҳисса қўшишида муҳим аҳамият касб этган.

Таклифлар. Ўрта Осиё яхудийларининг иқтисодий меросини янада чуқурроқ ўрганиш. Миллий иқтисодий маданиятни ривожлантиришда тарихий тажрибалардан фойдаланиш. Ёш авлодда тадбиркорлик ва ҳалол меҳнат қадриятларини тарғиб қилиш. Ўрта Осиё халқлари иқтисодий маданиятининг қиёсий тадқиқотларини кенгайтириш.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

- 1.Zand M. Bukharan Jews in Central Asia. - Jerusalem: Hebrew University Press, 1988.
- 2.Abramov M. History of the Jews of CentralllAsia. - New York: Jewish Publication Society, 1995.
- 3.Ражабов Қ. Ўзбекистонда миллий ва диний жамоалар тарихи. - Тошкент: Фан, 2010.
- 4.Levin Z. The Jews of Central Azia and the Caucasus. - London: Routberge, 2014.
- 5.The Torah.
- 6.The Talmud.

INNOVATIVE
ACADEMY